O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 24 июль, № 146 (4809) Жума

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

Самарқанд:

## ТАРАҚҚИЁТ, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

### ушбу азим замин элининг интилаётган асл мақсадидир




***Юртбошимиз “Самарқанд деганда, ўзининг мусаффо осмони, ёқутдек ёруғ юлдузлари, шифобахш ҳавоси, унумдор тупроғи, мовий гумбазлари, ўлмас тарихий обидалари билан барчани ҳайратга соладиган мўъжизакор бир масканни тасаввур қиламиз”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Шу заминда, айниқса, истиқлол йилларида асрларга татигулик эзгу ишлар амалга оширилиб, дунёга кўз-кўз қилса арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Бугун ана шулар ҳақда ҳикоя қилмоқчимиз.***





Айни кунларда вилоятнинг қайси шаҳар ва қишлоғига борманг, бир-биридан гўзал биноларни, янги ишга туширилган саноат корхоналарида замонавий дастгоҳларни маҳорат билан бошқараётган йигит-қизларнинг кўтаринки руҳ билан ишлаётганини кўриб, қалбингиз ғурурга тўлади, шу аснода эса дафъатан кўнглингизда шукроналик туйғуларини туясиз.

Дарҳақиқат, Мустақиллигимизнинг ўтган 18 йили давомида Самарқанд аҳли мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида вилоят бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 24,2 фоиз ўсгани, бунда тайёр маҳсулот ҳажмининг ортиши таъминлангани, кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, экспорт салоҳияти юксалишига замин яратилгани шундан далолат беради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш ва бартараф этиш мақсадида республикамизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида вилоятда аниқ тадбирлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни жорий этишга жиддий эътибор қаратилаётгани натижасида нафақат вилоят марказида, балки олис туманларда ҳам энг замонавий, дунё стандартлари талабига жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхоналар сони тобора ортиб, янгилари барпо қилинмоқда. Жумладан, Жомбой туманида жорий йилнинг биринчи чорагида 30 та ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг жами сони 1794 тага етказилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*АНДИЖОН шаҳрида савдо-саноат мажмуаси иш бошлади.*

### Савдо-саноат маркази

Ҳозир ушбу марказда темир равоқ, гулли панжара, пластик ром ва эшиклар тайёрланиб, мижозларга етказилмоқда. Шунингдек, бу ерда маиший техникаларни таъмирлаш ҳам йўлга қўйилди. Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 150 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*НАМАНГАН вилоятида мева-сабзавотни қайта ишлашга катта аҳамият берилмоқда.*

### Мева шарбати — экспортга

Хусусан, “Наманган шарбати” қўшма корхонасида олма, шафтоли, ўрик каби мевалардан олинаётган қиём ва қайла бежирим идишларда қадоқланиб, хорижга экспорт қилинаётир.

Айтиш лозимки, корхона модернизация қилингач, бу ерда бир кеча-кундузда 300 тоннага яқин мевани қайта ишлаш имконияти яратилди. “Наманган шарбати” хорижлик истеъмолчиларга жорий йилнинг ўтган даврида бир ярим минг тоннага яқин маҳсулот етказиб берди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*БУХОРО. Жондор саноат касб-ҳунар коллежида туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.*

### Коллежда меҳнат ярмаркаси

Унда тумандаги 51 та корхона ва ташкилот 212 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада юз нафардан зиёд киши иш билан таъминланди. Жумладан, мазкур коллеж битирувчилари Ж. Чориев ва А. Аслонов “147-автоколонна” корхонасига ихтисосликлари бўйича ишга қабул қилинди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ФАРҒОНА. Ёзёвонлик тадбиркор Ғуломжон Шерматов тўқимачилик корхонаси ташкил этганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот тобора харидоргир бўлиб бормоқда.*

### Ёзёвон газламаси

Тўқилган газламаларнинг асосий қисми Туркия, Хитой, Россия каби давлатларга экспорт қилинаётир.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамоа 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Қувонарлиси, янги корхонанинг ишга туширилиши билан 20 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон иқтисодиёти:

## ФИДОЙИЛИК, ИЗЧИЛЛИК ВА ЮКСАЛИШ

Фахр

**2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал ташкил этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини, ошириш, қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларнинг иш билан бандлик даражасини ўстиришни таъминлаш, уларнинг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси рўёбга чиқарилгани натижасида:**

- ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, республикамиз фермерлари томонидан **6** миллион **610** минг тонна ғалла йиғиштириб олинди;
- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш **12,4** фоизга;
- чорва моллари ва парранда **6,6** фоизга;
- тухум олиш ҳажми эса **15,3** фоизга кўпайди.

**Буларнинг барчаси, пировардида, аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини ишончли таъминлаш учун шароит яратди.**

## ҚАЛБЛАРДА ҚУВОНЧ ШУКУҲИ

Озод ва обод юрт байрамлари

***Шу кунларда юртимиз деҳқонлари “Ҳосил байрам”ларини зўр мамнуният билан нишонлаяптилар. Тантаналарда ризқимиз бунёдкорлари — ғаллакорлар меҳнати яна бир бор қадрланмоқда.***

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Жорий йилда амударёлик фермерлар 5 минг гектар ерда ғалла парваришлаб, баракали ҳосил етиштирдилар. 10 минг тоннадан ортиқ дон давлатга сотилди. Улардан, айниқса, “Солмобўйи”, “Ғайрат”, “Вафоев Янгибой” сингари кўплаб фермер хўжаликлари эришган муваффақиятни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Туманнинг “Орол боғи” дам олиш хиёбонида бўлиб ўтган “Ҳосил байрами”да фермерлар, соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Унда кўплаб илғор фермерларга тадбир ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**САМАРҚАНД.** Нарпай тумани деҳқонлари ҳам “Ҳосил байрами”ни катта тантана билан ўтказдилар. Зеро, туман ғаллакорлари бу йил 6 минг 20 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 30 минг тоннадан ортиқ сара дон йиғиштириб олишди. Ҳосилдорлик гектарига ўрта ҳисобда 52 центнерни ташкил этди. Давлатга 18 минг 893 тонна ғалла сотилиб, буюртма 106 фоиз қилиб бажарилди.

Юксак хирмонга “Пахтакор”, “Болғали”, “Сайфи Қувонов”, “Ислоҳот” сингари кўплаб фермер хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар.

Туманнинг “Қозиёқли” маҳалласида деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари, илғор қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган байрам тадбирида бир қатор фермер хўжаликларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Шунингдек, вилоятнинг Каттақўрғон туманида ҳам “Ҳосил байрами” бўлиб ўтди.

**ТОШКЕНТ.** Тошкент туманидаги “Гулистон” қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзоларидан ташқари, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда).

## «ИМТИЁЗЛАР – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ»

Семинар

***Мамлакатимизда солиқ тизимини либераллаштириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги туфайли солиққа тортиш тартиби тобора соддалаштирилиб, солиқ юки босқичма-босқич пасайтирилмоқда.***

Тадбиркорлик субъектларига бундай имтиёзлар, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётган бир пайтда янада кенгроқ берилаётгани диққатга сазовордир. Негаки, имтиёзлар шарофати билан тадбиркорларнинг ёнида қолаётган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтиришга йўналтирилмоқда.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан пойтахтимизда ташкил этилган “Имтиёзлар — ривожланиш омили” мавзуидаги кўргазмали семинарда шу ҳақда сўз борди. Семинарни ўтказишдан мақсад, солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида берилаётган солиқ имтиёзларининг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтиришдир.

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони бир қатор енгилликлар кўзда тутилгани билан янада аҳамиятлидир. Гап шундаки, замонавий технологиялар асосида жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган, юқори сифатли, ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлари қўлланилиши белгилаб берилган. Бунда жалб этилаётган хориж инвестицияси ҳажми инобатга

(Давоми 2-бетда).

*ТОШКЕНТ вилояти фаолларининг 2009 йилнинг ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Сарҳисоб

Вилоят ҳокими Р. Холматов бошқарган йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.

Кейинги йилларда пойтахт вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш, мақсадли дастурларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари тайёрлаш 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 3,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,7, қурилиш ишлари 12,5, чакана савдо айланмаси 19,1, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 24,9 фоизга ўсди. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан 87 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Йиғилиш иштирокчилари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартда қабул қилинган Тошкент вилоятини 2009-2010 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган макроиқтисодий параметрларни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида алоҳида тўхталдилар. Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида асосий макроиқтисодий параметрларнинг жадал ривожланиши ва реал тармоқларда ижобий ўсиш суръатлари таъминланаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).




Самарқанд:

# ТАРАҚҚИЁТ, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

## ушбу азим замин элининг интилаётган асл мақсадидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, мазкур туманда йирик саноат корхоналари ҳам талайгина. "Амин инвестинтернейшнл" Ўзбекистон — Россия — Англия қўшма корхонаси — шулардан бири. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган йигирмадан ортиқ турдаги маҳсулотнинг деярли 90 фоизи чет мамлакатларга экспорт қилинаяпти. Жумладан, кўйлаклар, спорт кийимларининг сифати юқори ва тикилиши бежирим бўлганлиги учун уларга талаб йилдан-йилга ортиб бораётир. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Аввало, янги технологияларни жорий этиш, модернизация ишларини амалга ошириш мақсадида Туркия ҳамда Тайвандан матоларга бўёқ берадиган ускуналар ва тикув машиналари сотиб олишга бир йил давомида 600 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция сарфланди.

Шуниси эътиборга лойиқки, корхонада 300 дан ортиқ қишлоқ хотин-қизлари ишга жалб этилди.

Маълумотларга қараганда, саноатни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳудудий дастурга биноан, 2009 йилда тумандаги 9 та корхонада модернизация ишлари амалга оширилади. Технологик янгилашга 4 миллион 650 минг АҚШ доллари ва 6 миллиард 47 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилгани диққатга сазовордир. Ана шу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, қўшимча равишда 500 га яқин янги иш ўрни очилади.

Бу борада Пастдарғом туманида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Гап шундаки, илгари бу ҳудудда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган бирорта ҳам корхона йўқ эди. Ҳозир эса бешта ғишт заводи фаолият юритаётир. Улар туман аҳолисининг эҳтиёжидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу боис аҳоли хом ғишт ва гувалалар ўрнига сифатли пишиқ ғиштлардан фойдаланиб, замонавий, яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай уй-жойлар қураётир. Ўз навбатида, ана шу иморатлар шаҳар ва



қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Шу ўринда йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда, қурилиш саноатини ривожлантириш мақсадида Нарпай туманида замонавий безак материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Афросиёб гипс" шўъба корхонаси ишга туширилгани, Самарқанд шаҳрида эса том ёпишда қўлланиладиган материаллар тайёрлайдиган "Почвон Р.Р.Р." корхонаси фойдаланишга топширилганини алоҳида қайд этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган ана шу корхоналар аҳолини бинокорлик материаллари билан таъминлашга мустаҳкам замин яратмоқда.

Шу билан бирга, 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятда жорий йилнинг 1 июнига қадар 276,3 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни чоғда ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун акциядорлик тижорат "Ипотека-банк"нинг вилоят филиали томонидан 347 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, жойларда қирқ километрдан ортиқ ичимлик суви узатиш тармоқлари ишга туширилди, юзлаб километр узунликдаги йўллар қайта таъмирланди. 82 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси бунёд этилиб, 5 та янги шаҳарлараро ва қишлоқлараро автобус йўналиши очилди.

Айни шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 147 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Пировардида қишлоқларда инфратузилма тармоқлари — уй-жой қурилиши, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, транспорт ва коммуникация хизматлари тубдан яхшиланди.

— Кўп йиллардан буён деҳқончилик билан шуғулланаман, — дейди пастдарғомлик фермер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Элибой Таниев. — Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг борищи, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган вилоятида бўлганларида, биз, фермерлар фаолиятига юксак баҳо берди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Фермер фаолияти фақат ғалла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак", деган сўзлари биз учун айни муддао бўлди. Сабаби, хўжалигимизнинг 300 гектардан зиёд ери бор. Пахта ва ғалла етиштириб, чорвачилик билан ҳам шуғулланамиз. Президентимизнинг таклиф ва маслаҳатларидан кейин чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех қуришга қатъий аҳд қилдик.

Бундай фермерлар ва тадбиркорлар сафи вилоятда тобора кенгайиб бораётир. Улар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш борасида ташаббусларга қўл урмоқдалар.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилиб, маҳалламизда "Гулрухсора-Озода чевари" хусусий корхонасини ташкил этдик, — дейди оқдарёлик ишбилармон Абдураҳим Каримов. — Аввалига янги корхона фаолиятини юритиш учун ўз ҳисобимдан 3,5 миллион сўм маблағ сарфладим. Кейинчалик эса 40 нафар тикувчи ва 3 нафар касаначи билан иш бошлаган корхонамизни янада кенгайтириш мақсадида 5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, уни ўз муддатида қайтаришга эришдик. Ҳозирги кунда жамоамизда катталар ва болаларнинг костюм-шимлари, миллий либослар, кўрпа ва чойшаблар тикилаяпти. Қувонарлиси, маҳсулотларимизнинг харидорлари кун сайин кўпайиб бораётир.

Вилоятда ишлаб чиқариш ва инфратузилмани янада ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини ошириш жараёнида иштирок этаётган, муҳими, иқтисодиётимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида жон куйдираётган бундай тадбиркорлар бисёр. Уларнинг ҳар бири ўз саъй-ҳаракатлари билан эл-юртга наф келтираётир. Натижада вилоят иқтисодиётининг барча тармоқларида ривожланиш, ўсиш суръатлари кўзга ташланмоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги эса тобора яхшиланмоқда.

Умуман олганда, самарқандликлар мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодёнасини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қизғин тараддуд кўрмоқда. Биз буни вилоятда айни вақтда амалга оширилаётган иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги улкан янгиланишлар тимсолида яна бир карра ҳис этдик.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

***Мамлакатимизда барча соҳалар қатори электр энергетика тармоғи ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳада туб ислоҳотларни бошлаб берди. Ҳозирда тизимда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида тармоқдаги барча йирик корхоналарнинг давлат улуши акциялаштирилди, уни модернизация қилишга жадал равишда инвестициялар кириб келиши таъминланди. Амалга оширилаётган ана шундай таркибий ўзгартиришлар ва рўй бераётган ислоҳотлар электр энергетикасидаги муносабатларни тартибга солишнинг аниқ қоидаларини қонун даражасида белгилаш заруратини яратди.***

*Шу боис яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Ушбу ҳужжатнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида парламент Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдулла АБДУНАЗАРОВ билан суҳбатлашдик.*

— Мазкур Қонунда электр энергетика хавфсизлиги ва ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг унга бўлган эҳтиёжларини қондириш каби асосий йўналишлар белгиланган, — дейди депутат. — Қолаверса, ушбу ҳужжат тизимда давлат томонидан тартибга солишни ўз ваколатлари доирасида амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган, давлат назорати ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини аниқ белгилаб берган.

Жумладан, Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳадаги ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан, уларга электр энергетикасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ҳамда келгуси йил учун электр энергияси истеъмоли ҳажмларини келишиб олишлари, электр энергетикаси объектларини жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, ягона электр энергетикаси тизимига уланган электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналар давлат мулки ёки хусусий мулк бўлиши мумкин. Шу боис ушбу ҳужжатда ягона электр энергетикаси тизимига уланган гидроэлектростанциялар давлат мулки этиб белгиланди ва улар хусусийлаштирилмайди. Булар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияланади. Ягона электр энергетикаси тизимига уланмай, фақат ўзлари фойдаланишлари учун электр энергиясини ҳосил қилувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолияти эса лицензияланмайди. Улар ҳосил қилинган электр энергиясини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўз электр тармоқлари орқали сотиши мумкин.

**— Электр энергиясини сотиш ва узатиш бўйича шартномалар тузиш масалалари мазкур Қонунда қай тартибда белгиланган?**

— Ягона электр энергетикаси тизимига уланган корхоналар электр энергиясининг ягона харид қилувчиси билан шартнома тузади. Ягона харид қилувчи эса магистраль электр тармоқлари корхонаси билан электр энергиясини ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига етказиб беришга шартнома тузади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари эса электр энергиясини истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотишни амалга оширади. Шу билан бирга, Қонунда истеъмолчиларнинг фойдаланилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш муаммосини бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар мавжуд. Унга кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда хусусий операторга электр энергиясини туман, шаҳар доирасида тақсимлаш ва сотишга доир ваколатлар берилади.

Шартномаларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, электр таъминоти корхоналари тузилган шартномаларга мувофиқ, истеъмолчиларга электр энергияси узатилишини ҳамда электр тармоқларининг техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаши лозим. Шу билан бирга, электр энергияси узатишнинг тўхтатилиши ва унинг сабаблари тўғрисида истеъмолчиларни белгиланган тартибда хабардор қилиши ҳамда уларнинг электр таъминотидаги қоидабузарликлар тўғрисидаги ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши шарт.

**Парламент ҳаёти**

**— Маълумки, электр энергияси бир вақтнинг ўзида ҳосил қилинадиган ва ўша вақтнинг ўзида истеъмол қилинадиган товар ҳисобланади. Агар ҳосил қилинган электр энергияси ўша заҳотиёқ истеъмол қилинмаса, йўқотилиши мумкин. Шундай эмасми?**

— Ҳосил қилинган электр энергияси нафақат йўқотилиши, шу билан бирга, қурилмаларни ҳам ишдан чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Қонунда ягона электр энергетикаси тизими яратилганлиги ва ундаги тезкор-диспетчерлик бошқарувини тизим оператори амалга ошириши белгиланган.

Тизим операторига ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туришини таъминлаш, электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини сақлаб туриш, авария режими юзага келишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш вазифаси юклатилади. Шунингдек, у авария режимини бартараф этишда ягона электр энергетикаси тизимида мавжуд бўлган барча заҳира қувватларни жалб қилиш ҳамда электр энергияси истеъмолига чекловлар жорий этиш ҳуқуқига эга.

**— Электр энергияси истеъмолини чеклаш... Бу қайси пайтда амалга оширилади?**

— Электр энергияси истеъмолига чекловлар, биринчи навбатда, истеъмолчи юридик шахсларнинг ускуналари электр энергияси истеъмолига кўра, ягона электр энергетикаси тизими режимига, электр энергияси сифатига таъсир кўрсатадиган корхоналарга нисбатан жорий этилади.

Қолаверса, бу тартиб тизим оператори томонидан авария режимини бартараф этишда узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган, ушбу ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилишига, ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**— Шу ўринда электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқлари тўғрисида ҳам батафсил тўхталсангиз.**

— Бу ҳуқуқлар "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонунда алоҳида модда билан белгиланган. Унга кўра, истеъмолчилар ўз электр қурилмаларини ҳудудий электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ равишда улаши, электр энергияси узатилишининг тўхтатилиши тўғрисида ахборот олиши, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига у истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларини ўзгартириш ҳақидаги таклифларни киритиши белгиланган. Бундан ташқари, тегишли корхоналар томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги сабабли ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ва бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Истеъмолчиларга электр энергияси узатишни вақтинча тугатиш эса электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади. Яъни бу ҳолат электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган режим бузилганда вақтинча тугатилади. Булар, ҳудудий электр тармоқларига электр қурилмалари ўзбошимчалик билан уланганда, электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари қасддан бузиб қўйилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг ишлашига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида четдан аралашилганда, фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда электр энергияси узатишни вақтинча тугатиш амалга оширилади. Ушбу ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, электр таъминоти корхонаси истеъмолчига электр энергияси узатишни қайта тиклайди.

Дарҳақиқат, мазкур Қонуннинг кучга кириши электр энергетикаси соҳасидаги ташкилотларнинг электр энергия истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солишнинг мувозанатлашган ҳуқуқий тизимини яратади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат мамлакат электр энергетикаси хавфсизлигини юқори даражада ва турли тоифадаги истеъмолчиларни электр энергияси билан кафолатли ҳамда узлуксиз таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини янада ривожлантириш масалаларини ҳал этишга имкон беради.

**Зиёда АШУРОВА**
**суҳбатлашди.**

# ҚАЛБЛАРДА ҚУВОНЧ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тумандаги ғаллачиликка ихтисослашган 128 фермер хўжалиги жорий йилда 1 минг 513 гектар майдондан давлатга беш минг тоннага яқин дон сотди. Бунда, айниқса, буғдойнинг "Крошка", "Нота" ва "Таня" сингари серҳосил навлари парваришлангани яхши самара берди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 60 центнерданга тўғри келди.

Албатта, ғаллачиликда эришилаётган бундай муваффақиятлар замирида мамлакатимизда фермерлар учун яратиб берилган шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар мужассам.

Байрам тадбирида қатор илғор фермерларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**ФАРҒОНА.** Вилоят ғаллакорлари эришган улкан ғалабада Бувайда тумани деҳқонларининг ҳиссаси катта. Буни туман қишлоқ хўжалиги тарихида илк бора 55 центнерлик маррага эришилганидан, етиштирилган 22 минг 300 тонна ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинганидан, фермерлар ихтиёрида 17 минг тоннадан кўпроқ дон қолганидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Бу муваффақиятни муносиб нишонлаш учун ташкил этилган "Ҳосил байрами" тадбирида Шавкат Тўхтаев, Нўъмон Ражабов, Ислом Қорабоев, Икромжон Абдураззоқов сингари илғор фермерлар меҳнатлари эътироф этилиб, улар муносиб тақдирландилар.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**хабарлари асосида**
**тайёрланди.**

# «ИМТИЁЗЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

олинади, албатта. Айтайлик, 3 миллиондан 10 миллион еврогача миқдорда чел эл инвестицияси ўзлаштирилса — 7 йилга, бу кўрсаткич 10 миллиондан 30 миллион еврогача етса — 10 йилга, агар 30 миллион евродан ортса — 15 йилга ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлардан озод этилади.

Семинар иштирокчилари шу каби кейинги йилларда қабул қилинган ҳужжатлар ва уларда кўзда тутилган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишмоқда. Уларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилиб, керакли йўл-йўриқ кўрсатилаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида амалиётга жорий этилаётган имтиёзлар кўпчиликни қизиқтирмоқда. Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатга кўра, жорий йил 1 июлдан бошлаб, саноат кўламида сут ва гўштни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар учун ягона солиқ тўлови 50 фоизга камайтирилди.

Берилаётган бундай имтиёзлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буни жорий йилда солиқ имтиёзи қўлланилиши натижасида қарийб 146,4 миллиард сўм миқдоридаги маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолиши кутилаётгани яққол кўрсатиб турибди. Тежалган маблағлар эса ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг янада кенгайишига, янги иш ўринлари яратилишига, бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуши фаровонлигига сарфланиши, шубҳасиз.

Семинар бугун ҳам давом этади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Алоқа хизматида яна бир лойиҳа

***Алоқа ва телекоммуникация тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги барча филиалларида техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш жараёнлари давом этмоқда.***



Соҳадаги кенг кўламли реконструкция ва модернизация ишларининг бажарилаётганлиги ҳам ислоҳотларнинг узвий давомидир.

Ана шу ишларнинг натижаси ўлароқ, яқинда "Тошкент — Фарғона водийси" рақамли радиореле линиясини кенгайтириш" лойиҳаси амалиётга жорий қилиниб, телефон тармоқлари сони 12 мингтага оширилди. Натижада мазкур йўналишдаги телекоммуникация тармоқларининг ишончлилиги ва барқарорлиги таъминланди.

**К. МУЛЛАБОЕВ.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 2009 йил 1 июнь ҳолатига кўра, зарар кўриб ишлаётган 18 та корхона рўйхатга олинган. Бу эса, жорий йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан тўққизта кўп демакдир. Бундай корхоналарнинг асосий қисми Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари ва Қибрай, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз туманларига тўғри келади. Вилоятда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналарининг 48 таси истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманларидаги 14 та ана шундай корхонада ўсиш суръатлари пасайишига йўл қўйилгани танқид қилинди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида вилоятда йирик ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилик асосида 5178 та иш ўрни ташкил этилди. Бироқ баъзи шаҳар ва туманлардаги корхоналарда бу борада сусткашлик қилинмоқда. Хусусан, Чирчиқ шаҳрида, Зангиота, Қуйи Чирчиқ туманларида бу борадаги режалар тўлиқ бажарилмаган.

Фаоллар йиғилишида ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ҚАШҚАДАРЁ** вилояти фаолларининг 2009 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш, жорий йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларга бағишланган йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими Н. Зайниев бошқарди.

Таъкидландики, ўтган 6 ой мобайнида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 8,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 16,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 3,1 фоизга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 2,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,8 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш 15,3 фоизга ўсди. Экспорт ҳажми эса 2 баробарга ошди.

Шу даврда барча манбалар ҳисобидан вилоят иқтисодиётига 1 триллион 122,5 миллиард сўмлик, яъни 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 27,1 фоиз кўп инвестиция киритилди. Бу инвестицияларнинг 545,1 миллиард сўми корхоналар, 355,2 миллиард сўми хорижий сармоялар, 43,9 миллиард сўми бюджет маблағлари, 67,9 миллиард сўми аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди. Уларнинг 954,1 миллиард сўми ёки 85 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига, 168,6 миллиард сўми ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилди. Натижада 435,6 минг квадрат метр уй-жой, 5938 ўринли умумтаълим мактаблари, 26,1 километрлик сув қувурлари фойдаланишга топширилди. 3,8 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига эса, 60 та корхона модернизация қилинди.

Шу билан бирга, 2967 та кичик бизнес субъекти рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг жами сони 77214 тага етказилди. Ҳозирги кунда саноатда 2143 та, қишлоқ хўжалигида 62743 та, қурилишда 2484 та, транспорт ва алоқа тизимида 692 та, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 6178 та шундай субъектлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 41 фоизни ташкил этди. Вилоят бўйича эса 58,1 мингта янги иш ўрни яратилди.

Буларнинг бари мамлакатимиз миқёсида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилаётганлиги натижасидир.

Йиғилишда, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, Маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини реализация қилиш, мактаб анжомлари савдосини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АВИАЦИЯ ҲОДИСАСИГА ДОИР ХАБАР

2009 йил 23 июль куни соат 9 дан 5 дақиқа ўтганда Чирчиқ аэродроми ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳаво кучларининг ўқув-машғулот парвозини амалга ошираётган «Ми-24» вертолёти аварияга учради. Натижада Мудофаа вазирлигининг икки нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди.

Авиаҳалокат сабабларини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Мамлакатимиз раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Ўзбекистон**
**Республикаси**
**Мудофаа**
**вазирлигининг**
**матбуот хизмати.**

